

**“АЛ КИФОЯ ФИ ШАРХИ Л ҲИДОЯ” АСАРИДА МУАЛЛИФ
ТАЙНГАН МАНБАЛАР**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7503941>



ELSEVIER



Received: 03-01-2023

Accepted: 04-01-2023

Published: 22-01-2023

Илҳомжон Муроталиевич Гофуров

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

таянч докторанти,

Тошкент ислом институти ўқитувчиси

Тел: +998934800440



Abstract: Ушбу маколада ҳанафий олим Жалолиддин Хоразмийнинг (ваф. 767/1366 й.) шоҳ асари саналган “Ал Кифоя фи шархи л ҳидоя” китобининг номтанишидаги ихтилофлар, асарнинг аҳамиятли тарафлари, уни тасниф этишида ташланган услублар ҳақида сўз боради. Шунингдек, олим асарни ёзишда ўзидан олдин таълиф этилган китоблардан кайсиларига мурожаат қилгани, ўз навбатида “Ал Кифоя фи шархи л ҳидоя” асаридан кенг фойдаланиб ёзилган ҳанафий мазхаб китоблари ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтилган.

Keywords: Манба, мазхаб, муҳтасар, матн, шарҳ, кўлёзма нусхалар, асарлар, тасниф, истифода.

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Жалолиддин Хоразмий раҳматуллоҳи алайҳни (ваф. 767/1366 й.) ислом оламига машҳур қилган ва шоҳ асари “Ал-Кифоя фи шархи-л-ҳидоя” китобидир. Айрим манбаларда асар “ал-Кифоя” деб юритилса-да, унинг тўлиқ номи “ал-Кифоя фи шархи-л-Ҳидоя” шаклида келтирилади. Қолаверса, бу асарнинг нисбатини Жалолиддин Хоразмийга берган ҳар бир олим мазкур ном билан аташган. Ҳоссатан, муаллифнинг ўзи ҳам асар муқаддимасининг охирида шундай деган: “Ҳидоя” китобидан мубҳам ва мушкил бўлган жойларини тўлиқ изоҳлаган, муҳтасар ва катта ҳажмдаги шарҳларга мурожаат қилишдан кифоя қилувчи бу китобни “ал-Кифоя фи шархи-л-Ҳидоя” деб номладим. Аллоҳ таъюлодан зиёда илм ва ибодатга муваффақ қилишини ва охиримни хайрли қилишини сўрайман. Албатта, Аллоҳ ҳар бир қийин ишни осон қилувчи, хоҳлаган нарсасига қодир ва ижобат қилишга лойик Зотдир”¹.

“Ал-Кифоя фи шархи-л-Ҳидоя” асари “Ҳидоя” китобига ёзилган шарҳларнинг энг афзалларидан саналади. Зоро, бу асар муаллиф Жалолиддин Хоразмий раҳматуллоҳи алайҳ муқаддимада айтиб ўтганидек, шарҳ зарур бўлмаган маълумотлар билан кўпайтириб ҳам юборилмаган, аксинча қилиб керакли маълумотлар ташлаб қисқа қилиб ҳам юборилмаган. Балки, асар ёзилишда ўрта йўл тутилган. Бу эса асарнинг илмий қийматини янада ошишида муҳим ўрин тутади.

¹ Сайид Жалолиддин Хоразмий. “Ал-Кифоя фи шархи-л-ҳидоя”. Қозон, 1886 й.

Асарнинг ахамиятли тарафларидан бири, унинг “Хидоя” китобига аввалги ёзилган шарҳлардан эканлигидир. Шунинг учун ҳам ҳанафий мазҳаб уламоларининг аксари ўзлари таълиф этган фижқий китобларида “ал-Кифоя фи шарҳи-л-Хидоя” асарига қўп-қўп мурожаат қилишган. Хоссатан, Жалолиддин Хоразмийдан кейин яшаб “Хидоя” асарига шарҳ битган уламолардан Абдулҳай Лакнавий, Аллома Айний, Камол ибн Ҳумом, шарҳларга ҳошиялар таълиқ этган уламолардан Ибн Обидин ва бошлкалар, фатво китоблари соҳибларидан “ал-Фатаво ал-Хиндия”, “ал-Мавсуға ал-Фикҳия” сингари асарларда “ал-Кифоя фи шарҳи-л-Хидоя” асаридан жуда қўп фойдаланилганлигини кўриш мумкин.

Китобнинг кўлёзма нусхалари кўплиги ҳамда дунёning турли шаҳарларида бир неча мартадан нашр қилиниши унинг қанчалик муҳим манба эканлигини тасдиқлайди.

Маълумки, ўтган уламолар тарафидан ёзилган ҳар-бир асар қайси бир олимга тегишли эканлиги борасида кейинги уламолар орасида турлича ихтилофлар кузатилади. Бунинг бир неча сабаблари бор, албатта. Масалан, ўша ном билан ёзилган асарларнинг кўплиги, муаллиф тарафидан очиқланмаганлиги, вақт ўтиши натижасида китобнинг муқаддима қисмларининг йўқ бўлиб кетгани ваҳоказо омиллар бўлиши мумкин. Кейин яшаб ижод этган уламолар тинимсиз изланишлардан сўнг мазкур асарлардан кўп қисмини имкон қадар қайси олимга тегишли эканлигини очиқ-ойдин айтиб ўтишган бўлса, айрим асарлар борасида қарашлар ҳар-хил бўлган. Бироқ, аксар уламолар тарафидан маълум бир олимнинг қаламига мансублиги такидаланганди. Ана ўша асарлардан бири “Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Хидоя” китобидир.

Ислом уламолари мазкур асарни кимнинг қаламига мансублиги борасида турли қарашларни илгари суришган. Кўплаб олимлар “Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Хидоя” китоби Жалолиддин Хоразмийнинг таълифотларидан ва машҳур икки китобининг бири эканлигини бир қанча далиллар билан исботлашган. Қуида ана ўша маълумотлардан айримларини келтириб ўринли бўлади:

Имом Кафавий “Аъламу-л-ахёр” асарида: “Инсонлар ўртасида машҳур бўлган “ал-Кифоя фи шарҳи-л-Хидоя” асари факих Ҳисомиддин Сифноқийнинг шогирди Сайийд Жалолиддин Гурланийга тегишилдири²”, деган².

Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий “Ал-фаваиду-л-Баҳийя”да “ал-Кифоя” асарининг муаллифи ким эканлиги борасидаги ихтилофларни келтириб

² Маҳмуд ибн Сулаймон Ҳанафий Кафавий. Катаибу аълами-л-ахёр. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 1971. – Ж. II. – Б. 291.

айтади: “Уламолар инсонлар орасида машҳур бўлган “ал-Ҳидоя”нинг шарҳи “ал-Кифоя” асарининг муаллифи ким эканлигига турлича қарашларни илгари суришган. Жумладан: Ҳасан ибн Аммор Шурунбулолий (ваф. 1169/1756) асарни Абдуллоҳ Махбубий, Ҳанафийга (Тожуш Шариъа)га (ваф. 694/1295) нисбатини берган. Бу эса хато маълумот. Чунки Тожуш Шариъанинг асари “ал-Кифоя” эмас, балки “Ниҳояту-л-Кифоя” деб номланади. Бу фикрнинг тўғрилигини Ҳожи Ҳалифа (ваф. 1067/1657) “ал-Ҳидоя” асарининг шарҳларини зикр қилаётib Тожуш Шариъанинг асарини “Ниҳояту-л-Кифоя фи дирояти-л-Ҳидоя” деган сўзлари ҳам исботлайди.

Қолаверса, “Ниҳояту-л-Кифоя фи дирояти-л-Ҳидоя” асарида “Қасамлар” бобининг охирида қуйида жумлалар мавжуд: “Абу Абдуллоҳ Умар ибн Содриш Шариъа “Қасамлар” китобини 673 йил Шаъбон ойининг охирида тамомига етказди”³.

Баъзилар Абдулқодир Курашийнинг (ваф. 774/1373) “ал-Жавоҳиру-л-музийя фи табақоти-л-ҳанафийя” асарида айтиб ўтган гапига асосланиб, “Ал-Кифоя” асари Аловуддин Али ибн Усмон Мординий, Туркмонийнинг (ваф. 750/1349) қаламига мансуб дейишади. Абдулқодир Кураший “ал-Жавоҳиру-л-музийя фи табақоти-л-ҳанафийя” асарида шундай деган эди: “Мен Али ибн Усмон Мординийда “ал-Ҳидоя” асарининг “Закот” китобигача ўқидим. Кейин у кишидан ҳадис илмини ўргандим. Али ибн Усмон Мординий “ал-Ҳидоя” асарини мухтасар қилиб уни шарҳлаган ва “ал-Кифоя” деб номлаган, бироқ охирига етказа олмаган эди. Кейин унинг ўғли Қози Қузот Камолиддин отаси тўхтаган жойидан давом этириб тугаллаган. Мен эса “ал-Ҳидоя” асарида келган ҳадисларни таҳқиқ қилиб бир китоб ёздим ва уни “ал-Кифоя фи маърифати аҳадиси-л-Ҳидоя” деб номладим. Сўнгра мазкур китобни устозимнинг олдига олиб бордим. Шунда у киши кулиб: “Бу исмни мендан ўғирлапсан. Чунки мен мухтасаримни “ал-Кифоя” деб номлаганман ва китобнинг аввалида: “Ал-кифоя”га кафил қилган Аллоҳ учун ҳамд бўлсин”, деб бошлаганман”, дедилар ва китобим номини ўзгартишимни айтди. Мен: “Эй сайидим, сиз ўзингиз ном қўйиб беринг”, дедим. Шунда устозим уни “ал-Гоя фи маърифати аҳадис-л-Ҳидоя” деб ўзгартирдилар.

Юқорида келтирилган маълумотлардан “ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя” асари Мординийга ҳам тегишли эмаслиги маълум бўлади. Балки Кафавий айтиб ўтганидек бу асар Саййид Жалолиддин Хоразмийнинг қаламига мансубдир.

³ Доктор Салоҳ Муҳаммад Абулҳож. Ат-Тухфат ал-бадийъа биахбари содр аш-шариъа. – Урдун: Анворул уламо таълим маркази, 2020. – Б. 20.

Жалолиддин Хоразмий “ал-Кифоя фи шархи-л-Хидоя” асрини ёзишда ўзидан олдин таълиф этилган ўнлаб мӯътабар манбалардан фойдаланганини кўриш мумкин. Айрим ҳолларда манбалардаги жумлаларни сўзма-сўз келтирса, бошқа ўринларда умумий маъносини келтириб ўтган ва қўпинча айтилган гапни қайси китобдан олганлигини ёки унинг муаллифини баён қилиб кетган. Қуида ана ўша асарларнинг номларини келтириб ўтамиз:

Аллома Хассоффинг (ваф. 261/875) “Адабу-л-Қози” асари; Абу Зайд Убайдуллоҳ ибн Умар Дабусийнинг (ваф. 430/1039) “ал-Асрор фи-л-Фуруъ” асари;⁴ Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг (ваф. 189/805) “ал-Мабсут” асари; Имом Сарахсийнинг (ваф. 483/1090) “Усулу-л-Фикҳ” асари; Абу Юсуфнинг (ваф. 182/798) “ал-Амолий” асари; Рукниддин Абдураҳмон ибн Муҳаммад Кирмонийнинг (ваф. 543/1148) “ал-Ийзоҳ” асари;⁵ Маҳмуд ибн Аҳмад Бурхонийнинг (ваф. 616/1291) “Татиммату-л-Фатаво” асари; Аловуддин Самарқандийнинг (ваф. 540/1145) “Тухфату-л-Фуқаҳо” асари;⁶ Абу Зайд Убайдуллоҳ ибн Умар Даббусийнинг (ваф. 420/1029) “ат-Тақвим” асари; Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг (ваф. 189/805) “ал-Жамиус сағир фи-л-фуруъ”, “аз-Зиёдот” ва “ас-Сияру-л-Кабир” асарлари; Нажмиддин Насафийнинг (ваф. 537/1143) “Тилбату-т-Талаба” асари; Ҳалил ибн Аҳмад Фароҳидийнинг (ваф. 170/786) “ал-Айн” асари; Абу Лайс Самарқандийнинг (ваф. 373/983) “Үюну-л-масайл” асари; Умар ибн Абдулазизнинг (ваф. 536/1142) “ал-Фатаво ас-Суғро” ва “ал-Фатаво ал-Кубро” асарлари; Ҳасан ибн Мансур Ўзгандийнинг (ваф. 592/1196) “Фатавои Қозихон” асари; Заҳириддин Бухорийнинг (ваф. 619/1222) “ал-Фаваиду-з-Заҳирий” асари; Абдуллоҳ ибн Аҳмад Насафийнинг (ваф. 710/1310) “ал-Кофий фи шархи-л-Воғий” асари; Қудурийнинг (ваф. 428/137) “Муҳтасари Қудурий” асари; Муҳаммад ибн Аҳмад Абу Саҳл Сарахсийнинг (ваф. 490/1097) “ал-Мабсут” асари; Бурхониддин Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Умар Бухорийнинг (ваф. 616/1219) “ал-Муҳиту-л-Бурхоний” асари; Абдуллоҳ ибн Аҳмад Насафийнинг (ваф. 710/1222) “ал-Мустасфо” асари; Ибн Қудоманинг (ваф. 620/1223) “ал-Муғний” асари; Темуртошийнинг (ваф. 610/1213) “Шарҳ ал-Жомиъ ас-Сағир” асари⁷.

Ўз навбатида Жалолиддин Хоразмийдан сўнг яшаб ижод этган уламолар “Ал-Кифоя фи шархи-л-Хидоя” асаридан фойдаланиб ўз китобларини тасниф этишганини кўришимиз мумкин. Улардан айримлари қуйидагилар:

⁴ И smoил Пошо ал-Бағдодий. Ҳадияту-л-орифин. – Байрут: Дору ихёи-т-туроси-л-арабий, 1951. – Ж. I. – Б – 339.

⁵ Абдулқодир Қураший. Ал-Жавохир ал-музия фи табакоти-л-ҳанафия // Абдулфаттоҳ Муҳаммад Ҳулв таҳрири остида. – Қоҳира: Ҳижр, 1993. – Ж. I. – Б. 204.

⁶ Ибн Кутлубуғо. Тожу-т-тарожим фий табакоти-л-ҳанафия. – Бағдод: Мактабату-л-мусанно, 1962. – Б. 252; Ҳожи Ҳалифа. Қашфу-з-зунун ан асоми-л-кутуб ва-л-фунун: – Байрут: Дору-л-Фикр, 1998. – Ж. I. – Б. 371.

⁷ Абдулатиф Муҳаммад Қосим Абдураҳмон Саббон. Ал-Кифоя фи шархи-л-Хидоя фи-л-фуруъи-л-Ҳанафия. – Яман: Ибб Университети, 2020. – Б. 70-76.

“Сайийд Нуруллох Тустарийнинг (ваф. 1019/1610) “Иҳқоқу-л-ҳақ ва изҳоқу-л-батил” асари; Абдулҳай Лакнавийнинг (ваф. 1304/1887) “Аҳкаму-с-сивак”, “Окому-н-Нақоиш биадаи-л-азкор билисани фарис”, “ал-Жамиъу-с-Сағир ва шарху ан-нағиғу-л-қабир”, “Ас-Сиъая фи қашфи ма фи шарҳи-л-Викоя” ва “Тарвижу-л-жинан би ҳукми шурбии-д-дуҳон” асарлари; Қосим ибн Абдуллоҳ ибн Амир Али Қавнавий, Румий, Ҳанафийнинг (ваф. 978/1570) “Анису-л-фуқаҳо фи таърифоти-л-алғози-л-мутадавала байна-л-фуқаҳо” асари; Зайниддин ибн Нужаймнинг (ваф. 970/1563) “ал-Баҳру-р-роиқ шарҳу канзи-д-дақоик” асари; Аллома Айнийнинг (ваф. 855/1451) “ал-Биноя фи шарҳи-л-Хидоя” асари; Ибн Обидиннинг (ваф. 1252/1836) “Ҳошияту Ибн Обидин”, “ал-Уқуду-д-дуррийя фи танқиҳи-л-фатаво-л-ҳомидийя” асарлари; Шихобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юнус ибн Исмоил ибн Юнус Шилбийнинг (ваф. 1069/1612) “Ҳошияту-ш-Шилбий” асари; Таҳтовийнинг (ваф. 1231/1816) “Ҳошияту-т-Таҳтовий ала мароқи-л-фароқ шарҳу нури-л-иизоҳ” асари; Аллома Ҳаскафийнинг (ваф. 1088/1677) “ад-Дурру-л-муҳтор” асари; Мулла Ҳусравнинг (ваф. 885/1478) “Дурагу-л-Ҳуккам шарҳу ғуари-л-Аҳкам” асари; Ибн Ҳумомнинг (ваф. 861/1457) “Фатҳ-л-қодир” асари; Таҳонавийнинг (ваф. 1158/1745) “Қашғу истилаҳати-л-фунун ва-л-улум” асари; Абдулғаний Ғунаймий Майдонийнинг (ваф. 1298/18881) “ал-Лубаб фи шарҳ-л-қитаб” асари; Шайхзоданинг (ваф. 1087/1676) “Мажмаъу-л-анҳур фи шарҳи мултақо-л-абҳур” асари; Бирқанча олимлар тарағифидан ёзилган “Ал-Мавсуға ал-ғиқхия ал-кувайтия” асари; Сирожиддин ибн Нужаймнинг (ваф. 926/1520) “ан-Наҳру-л-фаиқ шарҳу канзу-д-дақоқиқ” асари; Абдулҳай Лакнавийнинг (ваф. 1304/1887) “Ҳошия” асари. Олим ҳошияни ёзишда “ал-Кифоя фи шарҳи-л-ҳидоя” асаридан юзлаб ўринларда фойдаланган ва “ал-Кифоя”дан олган жойларига “к” белгисини қўйиб кетган⁸.

Хулоса қилиб айтганда, Жалолиддин Гурланий раҳматуллоҳи алайх “Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя” асарини ёзишда ҳанафий мазҳабида мўътабар саналган барча манбалардан фойдаланганини кўриш мумкин. Натижада Хоразмийдан кейин яшаб ижод қилган олимлар таълиф этган китобларининг жуда кўплаб ўринларида “Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя”дан истифода этишган.

⁸ Абдулатиф Муҳаммад Қосим Абдураҳмон Саббон. Ал-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя фи-л-ғуруғи-л-Ҳанафия. – Яман: Ибб Университети, 2020. – Б. 66-69.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Исмоил Пошо ал-Бағдодий. Ҳадияту-л-орифин. – Байрут: Дор ихё ат-турас ал-арабий, 1951. – Ж. I. – 512 б.
2. Абулҳасанот Мұхаммад Абдулҳай ибн Абдулҳалим Ансорий Лакнавий. Ал-Фавоиду-л-баҳия фи тарожими-л-ҳанафия // Аҳмад Заҳабий таҳрири остида. – Байрут: Дору-л-Арқам ибн ал-Арқам, 1998. – 422 б.
3. Абу Мұхаммад Абдулқодир ибн Абул Вафо Мұхаммад ибн Мұхаммад Мисрий Қураший Ҳанафий. Ал-Жавохир ал-музия фи табақоти-л-ҳанафия / Таҳқиқ мұаллифи: Доктор Абдулфаттох Мұхаммад Ҳалв. – Қохира: Мактабату-л-ҳажр ли-т-тибъот ва-н-нашр, 1993. – Ж. II. – 3326 б.
4. Абулғифдо Зайнуддин Қосим ибн Қутлубуғо Судуний. Тожу-т-тарожим фи табақоти-л-ҳанафия. – Дамашқ: Дору-л-қалам, 1992. – 568 б.
5. Абул Ҳасанот Мұхаммад Абдулҳай Ҳиндий Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳия фи тарожими-л-ҳанафия. – Байрут: Дору-л-Арқам ибн Аби-л-Арқам, 1998. – 632 б.
6. Исмоил Пошо ал-Бағдодий. Ҳадияту-л-орифин. – Байрут: Дор ихё ат-турас ал-арабий, 1951. – Ж. II. – 400 б.
7. Фуод Сезгин. Тариху-т-турас ал-арабий / Мутаржим: Махмуд Фаҳмий Ҳижозий. – Мадина: Идорату-л-Жомеа, 1991. – Ж. II. – 584 б.
8. Абулқосим Сулаймон ибн Аҳмад ибн Айюб Лахмий Табароний. Ал-Муъжам ал-авсат. 7 жилдли. – Уммон: Дору-л-фикр, 1999. – Ж. III. – 203 б.